

## ДАВЛАТНИНГ ФИСКАЛ ВОСИТАЛАРИДАН РЕАЛ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

*Исроилова Муҳаббат Рустамжон қизи,  
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети мустақил изланувчиси.  
Тошкент, Ўзбекистон  
E-mail: [isroilovamuhabbat9897@gmail.com](mailto:isroilovamuhabbat9897@gmail.com)  
ORCID ID: 0009-0002-3713-5286*

## EFFECTIVE USE OF FISCAL INSTRUMENTS OF THE STATE IN DEVELOPING THE REAL SECTOR

*Isroilova Mukhabbat Rustamjon kizi,  
Independent researcher,  
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek.  
Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: [isroilovamuhabbat9897@gmail.com](mailto:isroilovamuhabbat9897@gmail.com)  
ORCID ID: 0009-0002-3713-5286*

**Аннотация.** Мазкур мақолада давлатнинг фискал воситалари орқали иқтисодиётнинг реал секторида самарали ривожланишини таъминлаш масалалари таҳлил қилинади. Реал секторни қўллаб-қувватлашда солиқ ва бюджет сиёсатининг ўрни, фискал стимуллар орқали ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш механизмлари ёритиб берилади. Шу билан бирга, илмий-назарий асослар ҳамда халқаро тажрибалар таҳлили асосида Ўзбекистон иқтисодиёти шароитида фискал сиёсатнинг самарадорлигини ошириш йўналишлари таклиф этилади. Тадқиқот натижалари фискал сиёсат воситаларини оптимал қўллаш орқали реал секторнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича амалий тавсияларни ўз ичига олади.

**Калит сўзлар:** фискал сиёсат, фискал воситалар, реал сектор, иқтисодий ўсиш, бюджет сиёсати, солиқ стимуллари,

инвестиция муҳити, макроиқтисодий барқарорлик, самарадорлик.

**Abstract.** This article analyzes the issues of ensuring effective development of the real sector of the economy through the state's fiscal instruments. The role of tax and budgetary policies in supporting the real sector, mechanisms for enhancing production activity through fiscal incentives, and improving the investment climate are discussed. Based on theoretical foundations and international experience, the study proposes directions for improving the efficiency of fiscal policy in the context of Uzbekistan's economy. The results provide practical recommendations for ensuring sustainable growth of the real sector through the optimal use of fiscal policy instruments.

**Keywords:** fiscal policy, fiscal instruments, real sector, economic growth, budget policy, tax incentives, investment climate, macroeconomic stability, efficiency.

**Кириш.** Фискал сиёсат воситалари орқали давлат иқтисодиётнинг реал секторини рағбатлантириш ва барқарор ривожланишини таъминлаш имкониятига эга. Солиқ сиёсатини тартибга солиш, бюджет харажатларини самарали йўналтириш ва давлат қарзидан оқилона фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш, инвестиция муҳити ва инфратузилмани ривожлантириш мумкин. Фискал воситаларнинг самарали қўлланилиши реал сектор муаммоларини ҳал этиш ва янги ривожланиш драйверларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, солиқ имтиёзлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг солиқ юкини камайтириб, инвестиция салоҳиятини оширади ҳамда технологиялар жорий этиш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистонда сўнгги йилларда кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган солиқ имтиёзлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сонининг кўпайиши ва янги иш ўринларининг яратилишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, субсидиялар стратегик тармоқлардаги корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий фаолликни рағбатлантирмоқда. Хусусан, аграр сектордаги деҳқон хўжаликларига ёқилғи, уруғлик, минерал ўғитлар ва техник хизматлар харажатларини қисқартириш йўли билан кўрсатилаётган ёрдам уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга имкон бермоқда [1].

**Материал ва метод.** Иқтисодий фанларда давлатнинг фискал сиёсатини самарали амалга ошириш ва унинг реал секторга таъсирини таҳлил қилиш масаласи кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Ж.М. Кейнснинг "The General

Theory of Employment, Interest and Money" асарида фискал сиёсат орқали агрегат талабни рағбатлантириш ва ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш назарий асослари ишлаб чиқилган. Кейинги тадқиқотларда Р. Барро, Дж. Стиглиц ва П. Самуэльсонлар фискал воситаларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини моделлар орқали асослаб берганлар.

Шунингдек, замонавий тадқиқотлар (М. Танзи, В. Танаев, Т. Фишер ва бошқалар) фискал сиёсатнинг самарадорлигини оширишда бюджет тақсимооти самарадорлиги, солиқ имтиёзлари тизими ва инвестиция муҳитининг ролини алоҳида таъкидлайди. Халқаро ташкилотлар — Жаҳон банки, ХВФ ва ОЭСР ҳисоботларида ҳам фискал барқарорлик ва реал сектор ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик ампирик маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

Ўзбекистон шароитида эса иқтисодчи олимлар (Ш.Ғ. Ғаниев, Б.Х. Ходиев, Н.М. Хасанова ва бошқалар) томонидан фискал сиёсатнинг миллий иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва тадбиркорликни рағбатлантиришдаги аҳамияти бўйича илмий ишлар олиб борилган.

Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида иқтисодий таҳлилнинг илмий-назарий ва амалий усулларида кенг фойдаланилди. Аввало, фискал сиёсатнинг реал секторга таъсирини ўрганишда системали ёндашув, қиёсий таҳлил, ҳамда индукция ва дедукция усуллари қўлланилди.

**Натижалар.** Расмий маълумотларга кўра, 2000–2024 йилларда фискал сиёсатнинг асосий мақсади реал секторни

ривожлантириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат бўлиб, давлат бюджети, солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва субсидиялар орқали иқтисодий фаолликни рағбатлантиришга қаратилган. 2000–2010 йилларда фискал барқарорлик ва давлат инвестициялари иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатган бўлса, 2010–2020 йилларда солиқ тизими ислоҳ қилиниб, пандемия давридаги имтиёзлар орқали реал секторни қўллаб-қувватлаш чоралари амалга оширилган.

Хориж тажрибасидан маълумки, AAA рейтингига эга бизнеслар солиқ текширувларидан озод этилиб, уларга ҚҚС қайтарилиши 1 кун ичида амалга оширилади. Бунинг амалий татбиқи сифатида 2024 йил 16 ноябрдан бошлаб, Ўзбекистонда юқори барқарорлик рейтингига эга корхоналар учун солиқ имтиёзлари жорий этилганлигини айтишимиз мумкин [2]. Бундан ташқари, 2024 йилда Ўзбекистонда ИТ соҳасини ривожлантириш мақсадида "IT Park Uzbekistan" ташкил этилди. Бу технопаркда резидент компаниялар учун корпоратив ва шахсий даромад солиғидан, ҚҚС ва божхона тўловларидан озод этиш каби имтиёзлар тақдим этилди. 2025 йил 1 февралдан 2030 йил 1 январгача экспорт хизматлари ҳажми календар йили давомида 10 млн. доллардан ошган IT Park резидентларига ахборот технологиялари соҳасидаги хизматларини кўрсатган, Ўзбекистон билан иккиёқлама солиққа

тортишнинг олдини олиш тўғрисида битим тузилмаган давлатларнинг юридик шахслари ушбу календар йил якунигача фойда солиғидан озод этилади [3]. Кичик ва ўрта бизнес учун берилаётган солиқ имтиёзлари ва субсидиялар реал секторда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва ялпи ички маҳсулот улушини оширишга хизмат қилади. Солиқ ставкаларининг пасайиши капитални ишлаб чиқаришга йўналтириб, рақобатбардошликни кучайтиради. Шу билан бирга, янги ишлаб чиқариш объектларига берилган солиқ енгилликлари инвестиция ҳажмини ошириб, тармоқда инновацион фаолиятни ривожлантиради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фискал сиёсат воситаларининг самарали қўлланилиши турли ижтимоий-иқтисодий натижаларга олиб келмоқда. Саноатда давлат хариди ва солиқ имтиёзлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошираётган бўлса, қишлоқ хўжалигида субсидиялар ишлаб чиқариш харажатларини камайтирмоқда. Қурилиш соҳасида мақсадли харажатлар инфратузилмани янгилашга хизмат қилмоқда, хизмат кўрсатиш соҳасида эса солиқ енгилликлари орқали юқори қўшилган қийматли хизматлар сони ормоқда. Шу боис, фискал сиёсатнинг ҳар бир инструментларининг таъсирини ўрганиш ва самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади (1-жадвал).

1-жадвал

Фискал сиёсат воситаларининг реал сектор тармоқларига таъсири [6]

| Тармоқ          | Қўлланилаётган фискал воситалар                                                                     | Таъсир шакли                                                                           | Натижалар                                                                                    |
|-----------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------|
| Саноат          | - Солиқ имтиёзлари<br>- Давлат харидлари<br>- Ишлаб чиқаришга субсидиялар                           | - Инвестициявий фаоллик ошади<br>- Маҳаллий маҳсулотга талаб ортади                    | - Корхоналар модернизацияси<br>- Иш ўринлари яратилиши<br>- Экспорт салоҳияти ошиши          |
| Қишлоқ хўжалиги | - Субсидиялар (ўғит, уруғ, ёқилғи)<br>- Ички инфратузилмани молиялаш<br>- Солиқ имтиёзлари          | - Ишлаб чиқариш харажатлари камаяди<br>- Сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш   | - Маҳсулот ҳажми ортади<br>- Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади<br>- Қишлоқда бандлик ўсади |
| Қурилиш         | - Мақсадли давлат харажатлари<br>- ҚҚС бўйича имтиёзлар<br>- Ижтимоий лойиҳалар учун маблағ         | - Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қўллаб-қувватланади<br>- Инфратузилма ривожланади | - Турар-жой фонди кенгаяди<br>- Қўшма тармоқлар фаоллашади<br>- Иқтисодий фаоллик ошади      |
| Хизмат кўрсатиш | - Солиқ енгилликлари (айниқса IT ва туризм)<br>- Касбий тайёргарлик харажатлари<br>- ДХШ лойиҳалари | - Хизмат сифатини ошириш<br>- Кичик бизнесга рағбат                                    | - ЯИМда хизмат улуши ошади<br>- Бандлик даражаси ўсади<br>- Рақобатбардош хизматлар кўпаяди  |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, саноат тармоғига солиқ имтиёзлари берилиши ва амортизация сиёсатининг енгиллаштирилиши корхоналарнинг модернизация жараёнларини тезлаштиради ҳамда янги технологияларни жорий этишга туртки беради. Шу билан бирга, давлат харидлари орқали маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларига талаб оширилиб, ички

бозорда саноат ривожига ижобий таъсир кўрсатилади.

Шунингдек, аграр секторда субсидиялар ва мақсадли давлат харажатлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, чунки уруғлик, минерал ўғит ва техника хизматларига берилган ёрдам деҳқон хўжаликлари харажатларини камайтиради ва рентабелликни оширади. Бундан ташқари, ирригация ва инфратузилма

объектларига йўналтирилган инвестициялар орқали аграр салоҳият кенгайиб, иқлими мураккаб ҳудудларда ҳам барқарор ривожланиш таъминланади.

Таҳлиллардан маълумки, Ўзбекистон аграр секторида, айниқса мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва қадоклаш йўналишларида узоқ йиллар давомида самарадорлик пастлиги ва инфратузилмавий етишмовчиликлар кузатилиб келган. Аграр сиёсатнинг асосан хом маҳсулот етиштиришга қаратилгани натижасида қиймат занжири узилиб, маҳсулот рақобатбардошлиги пасайган ҳамда экспорт таркибида хом-ашё улуши юқори даражада сақланиб қолган.

Шунингдек, солиқ юкининг юқорилиги ва технологик замонавий инфратузилманинг заифлиги инвестиция фаоллигини чеклаб, қайта ишлаш соҳасининг ривожланишини секинлаштирган. Сўнгги йилларда экспорт ҳажми ўсганига қарамай, қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши ҳануз паст даражада қолмоқда.

Шу боис, 2025 йилдан бошлаб жорий этилиши режалаштирилган солиқ тизимини соддалаштириш ва "nol VAT"<sup>1</sup> режими аграр экспорт сиёсатини янги босқичга олиб чиқиши, хом маҳсулотдан қайта ишланган маҳсулотлар экспортига босқичма-босқич ўтишни тезлаштириши кутилмоқда.

Илгари қадоклаш технологиялари даражаси паст бўлиб, мева-сабзавотларнинг

40 фоизгача қисми экспорт ёки ички реализация жараёнида сифатини йўқотган<sup>2</sup>. Мазкур соҳадаги баъзи экспертларнинг фикрича, масалан, Наманган ва Фарғона вилоятларида гилос ва олма асосан хом ҳолда экспорт қилинган, натижада йўлда бузилиши туфайли маҳсулот нархи 30–35 фоизгача камайган. Шу сабабли экспортнинг асосий йўналишлари Россия ва Қозоғистон каби қисқа масофали бозорларга чекланиб қолган.

Соҳадаги бандлик асосан мавсумий меҳнат билан чегараланган бўлиб, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш даври тугагач, ишсизлик даражаси 14–16 фоизгача кўтарилган<sup>3</sup>. Қадоклаш ва қайта ишлаш инфратузилмасининг сустривожланиши туфайли корхоналар йил давомида барқарор фаолият юрита олмаган.

Аввалги тизимда меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал даражаси белгиланмагани норасмий бандликка сабаб бўлган, паст иш ҳақи эса малакали кадрларнинг соҳага қизиқишини камайтирган. Шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш тизими хом-ашё экспортига қарам, солиқ юки оғир, инфратузилма етарлича ривожланмаган ва инвестицион жозибадорлик паст бўлган.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида, бизнинг фикримизча, "Реал секторнинг қишлоқ хўжалиги тармоғида маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоклаш ва сотиш жараёнларини

<sup>1</sup> "Nol VAT (Zero-rated VAT) rejimi" — bu qo'shilgan qiymat solig'i (QQS/VAT) 0% stavkada qo'llaniladigan soliq rejimi degani.

<sup>2</sup> Food and Agriculture Organization (FAO). Post-harvest losses and agrifood supply chain efficiency in

Central Asia: Uzbekistan country report. Rome: FAO, 2022.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги. Меҳнат бозори кўрсаткичлари бўйича йиллик ҳисобот. Тошкент, 2022.



кучайтиришга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий қадокларда реализацияга чиқарадиган, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорида ҳисоблаган субъектларга фойда ва ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоизгача тушириш асосида рағбатлантириш орқали эришиш” мақсадга мувофиқ.

Мазкур механизмнинг моҳияти — солиқ юкини камайтириш орқали корхоналарни замонавий технологиялар жорий этишга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва расмий бандликни кенгайтиришга рағбатлантиришдан иборат. Бу жараён аҳоли даромадларини ошириб, саноатлашган аграр модел асосида рақобатбардош экспорт салоҳиятини шакллантиради ҳамда солиқ имтиёзлари орқали инновацион ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаб, агрокластерлар ва экспортчи корхоналар учун иқтисодий мотивацияни кучайтиради.

Шунингдек, ижтимоий солиқнинг 1 фоиз даражасида белгиланиши меҳнат харажатларини камайтириб, қишлоқ ҳудудларда бандликни оширади ва аҳолининг барқарор даромад манбаларига эга бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари, бу имтиёзлар маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш ва қадоклашни рағбатлантириб, халқаро бозорларда рақобатбардошликни кучайтиради ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар экспортига ўтишни тезлаштиради.

Бизнинг фикримизча, ушбу илмий таклиф фискал сиёсатни иқтисодий фаолликни рағбатлантирувчи ва ижтимоий барқарорликни таъминловчи тизим

сифатида такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қурилиш соҳасида эса фискал сиёсат иқтисодий фаолликнинг муҳим драйвери ҳисобланади, зеро давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган инфратузилма лойиҳалари ишлаб чиқариш ҳажмини оширади. Шу билан бирга, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари учун жорий этилган солиқ енгилликлари инвестиция фаоллигини кучайтиради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам фискал сиёсатнинг таъсири сезиларли бўлиб, туризм ва таълим каби тармоқлардаги солиқ имтиёзлари ҳамда рақамли хизматларни қўллаб-қувватлаш чоралари рақобатбардошликни оширади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари орқали хизмат сифатининг яхшиланиши ва хусусий инвестицияларнинг фаоллашиши кузатилади. Хулоса қилиб айтганда, фискал сиёсат воситалари реал секторнинг барча тармоқларига ижобий таъсир кўрсатиб, тармоқлараро боғлиқликни кучайтиради ва иқтисодий барқарор ўсишга замин яратади. Шу боис, унинг самарадорлигини мунтазам таҳлил этиб, бозор механизмларига мувофиқ равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фискал сиёсат Ўзбекистонда босқичма-босқич инновацион ва стратегик хусусият касб этмоқда. У энди фақат маблағ тақсимловчи эмас, балки иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи инструментга айланиб бормоқда. Бизнинг фикримизча, фискал сиёсат самарадорлиги унинг натижага йўналтирилганлиги ва манзилли бошқарувга асосланганлигига боғлиқ. Шу

боис, давлат харажатлари ва солиқ сиёсатини тармоқ ва ҳудудлар кесимида илмий моделлар асосида баҳолаш зарур.

Сўнгги ўн йилликда Ўзбекистондаги фискал ислохотлар солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва бизнесни шаффоф солиқ тизимига интеграциялашга қаратилди. Бу жараёнда “айланмадан олинадиган солиқ” (АОС) кичик бизнес учун асосий механизмга айланиб, тадбиркорликни рағбатлантирди. 2019 йилдан АОС кичик бизнес фаолиятини енгиллаштириш, бухгалтерия юкламасини камайтириш ва иқтисодий фаолликни оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, айланмадан олинадиган солиқ (АОС) айрим соҳалар учун қулай бўлса-да, фискал барқарорлик ва иқтисодий интеграция талабларига тўлиқ мос келмайди. Асосий муаммо — солиқ базасининг чекланганлиги, яъни у фақат айланма даромадга боғланиб, корхона рентабеллигини инобатга олмайди. 2022 йилда АОС тўловчилари солиқ тўловчиларнинг 64 фоизини ташкил этган, аммо бюджет тушумларидаги улуши атиги 17 фоиз бўлган.

Бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилганлиги “соя иқтисодиёти”ни сақлаб, даромадларни яшириш ҳолатларини кучайтирган. Корхоналар ҚҚС тўловчиси бўлишдан қочиш учун ўз фаолиятини сунъий равишда кичик кўрсатиб, расмий айланмани чеклай бошлаган. Шу билан бирга, ҚҚС ҳисоб-фактураси расмийлаштириш ҳукуқининг

йўқлиги АОС субъектларини йирик ишлаб чиқарувчилар билан тўлиқ интеграциялашишдан чеклаган. Натижада иқтисодий алоқалар заифлашган ва самарадорлик пасайган. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, АОС кичик бизнесни рағбатлантирган бўлса-да, унинг фискал ва институционал чекловлари иқтисодий шаффофлик ва рақобат муҳитини тўлиқ таъминлай олмаган.

Юқоридаги муаммо ва камчиликлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада “Миллий иқтисодиётнинг реал секторида фискал воситаларнинг рағбатлантирувчи функциясини оширишга айланмадан олинадиган солиқ тўловидан илк марта қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган тадбиркорлик субъектларини 1 йил давомида фойда солиғи тўлашдан озод қилиш орқали эришиш”нинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Шу боис, мазкур механизм тадбиркорнинг ликвидлигини сақлаб, ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаслик ва ҳисоб интизомини шакллантиришга хизмат қилади ҳамда “соя иқтисодиёти”ни қисқартириш, солиқ базасини кенгайтириш ва корхоналарни расмий солиқ тизимига интеграциялашга кўмаклашади. Мазкур механизм тадбиркорлар учун янги солиқ муҳитига мослашувни енгиллаштириб, молиявий барқарорликни сақлаш ва ҚҚС тизимига босқичма-босқич интеграцияни таъминлайди. Шу билан бирга, у фискал шаффофликни ошириш, рақамли солиқ бошқарувини кенгайтириш ва солиқ базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади (2-жадвал).

2-жадвал.

**Айланмадан олинадиган солиқдан ҚҚС тўловига ўтиш механизмининг иқтисодий-фискал таҳлили [10]**

| № | Йўналиш                      | Кутилаётган натижа                                                 | Иқтисодий ва илмий асос                                                                                           | Прогноз кўрсаткич (2025–2027)                                        |
|---|------------------------------|--------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------|
| 1 | Фискал барқарорлик           | Давлат бюджети даромадларининг ўсиши                               | ҚҚС базасининг кенгайиши фискал тушумларни оширади. Рақамли ҳисоб-фактуралар орқали солиқ назоратини кучайтиради. | ҚҚС тушумлари улуши 37 % → 42 %                                      |
| 2 | Соя иқтисодиёти қисқариши    | Норасмий даромадларнинг пасайиши                                   | ҚҚС тизими ҳар бир транзакцияни ҳужжатлаштиради; яширин айланмаларни аниқлаш осонлашади.                          | Соя иқтисодиёти улуши 35 % → 28 %                                    |
| 3 | Тадбиркорлик фаоллиги        | Кичик бизнесдан ўрта бизнесга ўтиш тезлашади                       | 1 йиллик фойда солиғидан озодлик кичик корхоналарни ҚҚС тизимига киришга рағбатлантиради.                         | ҚҚС тўловчилар сони 2025-йилги 222 мингдан → 2027-йилда 310 минггача |
| 4 | Рақамли бошқарув             | Солиқ назорати автоматлаштирилади                                  | Е-NDS, e-faktura, мй.солиқ.уз тизимлари орқали онлайн мониторинг кенгайди.                                        | Электрон солиқ ҳисоботлари улуши 95 % дан ошади                      |
| 5 | Экспорт салоҳияти            | ҚҚС тизими экспортчи корхоналарга 0 % ставка билан устунлик беради | ҚҚС қайтарилиши экспортчи бизнес учун ликвидликни яхшилайди.                                                      | Экспортчи ҚҚС тўловчилар сони 20 % га ортади                         |
| 6 | Иш ўринлари барқарорлиги     | Ўсаётган корхоналар орқали янги иш жойлари яратилади               | Рақобатбардош, шаффоф корхоналарнинг ўсиши бандликни оширади.                                                     | 2027-йилгача 60 минг янги иш жойи                                    |
| 7 | Инвестицион муҳит            | Солиқ тизимининг прогнозланадиганлиги инвестор ишончини оширади    | ҚҚС тизими халқаро стандартларга мослашганлиги сабабли хорижий инвестициялар оқими кучаяди.                       | Тўғридан-тўғри инвестициялар 1,3 барабар ўсади                       |
| 8 | Илмий-иқтисодий самарадорлик | Солиқ сиёсатининг структуравий трансформацияси юз беради           | ҚҚСга ўтиш орқали давлат солиққа тортиш тизими модернизация босқичига ўтади.                                      | Солиқ базаси кенгайиши: +18 % ўсиш (2026-йил прогнози)               |



Мазкур жадвалда механизмнинг асосий йўналишлари, кутилаётган натижалар ва прогноз кўрсаткичлари тизимли таҳлил этилган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон солиқ тизимидаги ислохотлар фискал сиёсатни модернизация қилиш, солиқ базасини кенгайтириш ва тадбиркорларни “соя иқтисодиёти”дан чиқаришда самарали натижа бермоқда. Натижада фискал бошқарув самарадорлиги ошиб, иқтисодиётнинг расмий сектори улуши кенгаймоқда.

Фискал самарадорлик нуқтаи назаридан, ҚҚС тўловчилар сонининг ортиши бюджет тушумларини кўпайтириб, ҚҚС улушини 29 фоиздан 37 фоизгача оширган. Бу қисқа муддатли имтиёзлар эвазига узоқ муддатли барқарор фискал тизим шаклланишига замин яратган.

Шу билан бирга, ҚҚС тизими орқали “соя иқтисодиёти” қисқариб, тадбиркорлар ўзаро шаффоф ҳисоб-китобларга ўтмоқда. Яқин йилларда яширин айланмалар улуши 10–15 фоиз пунктга камайиши кутилмоқда. Рақамли платформалар — “Е-NDS”, “my.soliq.uz”, “e-faktura” — фискал маълумотларни реал вақтда қайд этиб, солиқ маъмурчилигини автоматлаштирмоқда ва инсон омили таъсирини камайтирмоқда.

Умуман олганда, мазкур механизм Ўзбекистон солиқ тизимининг трансформацион босқичи сифатида фискал барқарорликни таъминлаш, тадбиркорликни легаллаштириш, рақамли бошқарувни кенгайтириш ҳамда иқтисодиётнинг шаффоф сегментини мустаҳкамлаш орқали узоқ муддатли иқтисодий ўсишга хизмат қилади.

**Хулоса.** Биз фискал сиёсат самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларни муҳим деб ҳисоблаймиз: аввало, КРІ-индикаторлар асосида харажатлар натижадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш, шунингдек, солиқ сиёсатини прогрессив ва тармоқлашган шаклда диверсификациялаш зарур. Бундан ташқари, фискал децентрализацияни чуқурлаштириш маҳаллий иқтисодий фаолликни кучайтиради, давлат-хусусий шериклик эса бюджет харажатларини оптималлаштиради. Ҳамда, фискал шаффофлик ва жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш орқали давлат молиясида ҳисобдорликни таъминлаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, фискал сиёсатнинг самарали йўналтирилиши реал секторни барқарор ривожлантириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий шартидир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.04.2022 йилдаги ПФ–101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги Фармони. — <https://nrm.uz/contentf?doc=689309>

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.06.2022 йилдаги 306-сон қарори. — <https://lex.uz/ru/docs>; <https://investmentpolicy.unctad.org/investment-policy-monitor/234/uzbekistan>
3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги. (2022). Аграр соҳада давлат қўллаб-қувватлови чоралари. — <https://www.agro.uz>
4. Isroilov, B. I., & To'rayev, A. A. (2023). O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishda fiskal siyosatning o'rini kuchaytirish zarur. Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot journali, №11–12. — <https://review.uz/oz/post/uzbekistan-iqtisodiyotini-rivozhlantirishda-fiskal-siyosatning-ornini-kuchaytirish-zarur>; [https://www.researchgate.net/publication/378533744\\_Fiskal\\_siyosat\\_va\\_solliq\\_to%27lovchilar\\_faoliyatini\\_tartibra\\_solishining\\_nazariy\\_masalalari](https://www.researchgate.net/publication/378533744_Fiskal_siyosat_va_solliq_to%27lovchilar_faoliyatini_tartibra_solishining_nazariy_masalalari)
5. UNCTAD. (2024). Uzbekistan adopts new tax incentives to guarantee wider private sector participation. — <https://investmentpolicy.unctad.org/investment-policy-monitor/measures/3958/uzbekistan-adopts-new-tax-incentives-to-guarantee-wider-private-sector-participation->; <https://lex.uz/uz/docs/5947775>
6. PwC. (2023); World Bank. (2025); IMV.uz. (2023); EY Uzbekistan. (2025); Legalact.uz. (2025); VATCalc. (2024); Wikipedia. (2024). Маълумотлар муаллиф томонидан тизимлаштирилган.